

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

177 «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг капиталлашиш даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришда унинг иштирокини кенгайтириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнесни фаоллаштириш ва касаначиликни ривожлан-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

тириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг имтиёзли кредитлар олиш имкониятини кенгайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг бошқа акциядорларининг 2013 йилда банк устав капиталини 40,0 млрд сўмга оширган ҳолда унинг умумий миқдорини 200,2 млрд сўмгача етказиш ҳамда улушларни акциядорлар ўртасида иловага* мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

янги корхоналар ва иш жойларини барпо этишда бирламчи сармойни шакллантириш учун мақсадли имтиёзли кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, айниқса қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;

имтиёзли кредитлар бериш орқали аёлларга ва ёшларга, шу жумладан касб-хунар коллежлари битирувчиларига уларни тадбиркорлик ишларига фаол жалб этиш учун молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

хом ашё ва материалларни яна ҳам чуқурроқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, шунинг асосида қўшимча иш жойларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида хом ашё ва материаллар харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш ва фаолиятларини кенгайтиришга имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

чорва, уй паррандаси, уруғлик ва экиладиган материаллар сотиб олиш, суғориш ва тупроқни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни харид қилиш, шунингдек чорвачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун фермер ҳамда деҳқон хўжаликларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш.

3. «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки банк низомига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли қарорининг 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 йил, 12-сон, 131-модда).

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

14 (566)-сон

— 9 —

177-модда

си Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 29 март,
ПҚ-1945-сон